

IX 9 Белгилар

Жамоатимга нима
учун қурбонлик
беришим керак?



Жейми
Дунлоп

Жамоатга Доир Саволлар

Жамоатга доир саволлар тўплами ҳақидаги ижобий фикрлар

“Масиҳийлар жуда жиддий саволларга дуч келишади. Муқаддас Битиклар қандай қилиб жамоатни барпо этади, саждани тартибга келтиради, хизматни ташкил қилади ва каломдаги йўлбошчиликни таърифлайди? Бу “9Белгилар”га тегишли ушбу янги тўпланда аниқ, диққат билан ва қизиқарли тарзда жавоб берилган саволлардан бир нечта мисолларидир. Мен бу хизмат учун ва унинг кўплаб содиқ жамоатларга фавқулодда соғлом ва умид берувчи таъсири учун миннатдорман. Бу тўпламни бажонидил тавсия қиламан.”

Р. Альберт Моллер (R. Albert Mohler Jr.),
Жанубий Баптист Илоҳиёт Семинарияси президенти

“Самимий саволлар мулоҳаза билан жавоб беришга арзийди. Агар сиз бу саволларга жавоб беришни нимадан бошлашни билмасангиз, бу тўплам ҳовузга сакраш учун трамплин сифатида сизга хизмат қилсин. Бу кичик китоблар қизиқарли даражада мақсадли ва битта дўст ёки юзлаб дўстлар билан бирга ўқиш учун ажойиб тарзда мос келади.”

Глория Фурман (Gloria Furman),
Вазифага эга оналик хизмати ва
Чўпоннинг хотини китоблари муаллифи

“Чўпон сифатида менга кўп саволлар беришади. Менга хушxabарни тушунишни истаётган имонсизлар, энди ҳаётида нима қилишни билмаётган янги имонлилар ҳамда имонли оила аъзолари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва ҳамкасблари саволларига жавоб олишни истаётган етукликка интилаётган имонилар мурожаат қилишади. Айнан шундай пайтларда уларнинг саволларига қисқача жавоб бера оладиган ва кейинги ўрганиш учун тўғри йўналиш кўрсата оладиган китобим бўлишини истардим. Жамоатга доир саволлар тўплами ана шу имкониятни тақдим қилади. Ҳар бир рисолада келтирилган масала каломга асосланган, ихчам ва амалий тарзда ёритилган. Тўплам Жамоат саволлари деб номланса бўлади, лекин у “Жамоат жавоблари” деб аталиши ҳам мумкин эди. Мен мунтазам равишда уларнинг бир нечтасини танлаб, бошқалар билан бўлишишмоқчиман. Сизга ҳам шундай қилишни тавсия қиламан.”

Хуан Р. Санчес (Juan R. Sanchez),
“High Pointe” номли баптист жамоатида катта
чўпон, Аустин шаҳри, Техас

“Биз, масиҳийлар қалин ва қиммат китобларни варақламасдан туриб, жамоатдаги масиҳий ҳаёт ҳақида умумий саволларимизга ишончли жавобларни қаердан топа оламиз? Жамоатга доир саволлар тўплами бизнинг эҳтиёжларимизни каломга асосланган, чуқур ўйланган ва амалий бўлган жавоблар билан қондиради. Чўпонлар учун бу тўплам жамоат аъзоларини чуқур донолик ва мустаҳкам бирлик сари йўналтириш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.”

Рэй Ортлунд (Ray Ortland),
Қайта тиклаш хизматлари президенти

**Жамоатимга нима
учун қурбонлик
беришим керак?**

Жамоатга Доир Саволлар

Худо ҳаммани севадими?,

Матт Мак Куллоҳ

Менга устозлик қиладиган одамни қандай топсам бўлади?,

Ж. Гарретт Келл

Муқаддас Китобни ўқишдан қандай қилиб кўпроқ завқлана оламан?,

Жеремй Кимбл

Бошқача сиёсий қарашга ега бўлган жамоат аъзоларини қандай сева оламан?,

Жонатан Лиман ва Андй Населли

Жамоатимда қандай хизмат қилишим мумкин?,

Меттью Емади

Жамоатимиз қандай қилиб садоқатли чўпонни топа олиши мумкин?,

Марк Девер

Аёллар маҳаллий жамоатда қандай қилиб руҳан ўсишлари мумкин?,

Кери Фолмар

Жамоатдаги интизомий чорани қўллаш севги амалими?,

Жонатан Лиман

Ибодат қилишни хоҳламасам-чи?,

Жон Онвучеква

Жамоатга боришни хоҳламасам-чи?,

Гуннер Гундерсен

Хушxabарчилик фаолиятимдан қониқмасдан, умидсизликка тушсам-чи?,

Айзек Адамс

Ҳозир мен масиҳийман, нима қилишим керак?,

Сам Емади

Раббимиз Кечлиги нима учун бу қадар муҳим?,

Аубрей Сеқуеира

Нима учун чўмдирилишим керак?

Боббй Жамиесон

Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?

Жейми Дунлоп

Нима учун жамоатга қўшилишим керак?

Марк Девер

Жамоатнинг вазифаси нима?

Жонатан Лиман

Мен нажотга еришганимга қандай амин бўлишим мумкин?

Жеремй Пиерре

Аёл киши чўпон бўлиши мумкинми?

Грег Гилберт

Жамоатга қатнамайдиган аъзолар борасида нима

қилишимиз мумкин?

Алекс Дюк

Мен хизматга даъват етилганманми?

Брад Вҳилер

Халқаро елчилик хизматини қандай қўллаб-

қувватлашим мумкин?

Марк Коллинс

Хушxabар соғлик ва фаровонлик ваъда қиладими?

Шон ДиМарс

Жамоатни ким бошқаради?

Сам Емади

Диаконлар (хизматчилар) нима қилишади?

Хуан Санчес

Мен жамоатда нимани излашим керак?

Алекс Дюк

Дўзах ҳаққонийми?

Дейн Ортлунд

Мен нимага ишонишим аҳамиятга эгами?

Самуэл Жеймс

Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?

Муаллиф: Жейми Дунлоп
[Jamie Dunlop]

Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?

Жейми Дунлоп томонидан

Муаллифлик ҳуқуқи © 2023 йил

Марварид Хизматлари

Why Should I Give to My Church?

by Jamie Dunlop

Copyright © 2021 by "9Marks"

Crossway

1300 Кресент кўчаси

Уитон шаҳри, Иллинойс штати 60187 да чоп этилган.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks.

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved.

Муқова дизайни: Jordan Singer

First printing 2021.

АҚШда чоп этилган.

Муқаддас Битиклардан парчалар 2023 Муқаддас Ёзувнинг Сўзма-Сўз Таржимасидан [МЁ] олинган. Ружсат билан ишлатилади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф томонидан киритилган.

9Marks ISBN: 979-8-89218-042-9

Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин, чунки Худо қувониб берувчини севади. Сизлар ҳамиша ҳамма нарсада ҳар қандай қаноатга эга бўлиб, ҳар қандай хайрли ишларга бой бўлишингиз учун Худо сизларни ҳар қандай инояти билан бой қилишга қодирдир.

2-Коринфликлар 9:7-8

Худо сизнинг пулингизга муҳтож эмас (Лекин сизнинг қурбонлик қилишингиз Унга хуш ёқади)

Савол: Нима учун қурбонлик бериш керак?

Маҳаллий жамоатингизга нима учун қурбонлик қилишингиз керак? Бу саволнинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, жамиятда хайр-эҳсон қилиш ҳар доимгидек оммабоп бўлиб кўринса-да, *жамоат* учун қурбонлик қилиш урфдан чиқиб кетмоқда. Қўшма Штатларда, ҳеч бўлмаганда, сўнгги ўттиз йил ичида жамоатларга ажратилган хайрия улуши 53 фоиздан 32 фоизга камайди.¹ Буюк Тушкунлик (1929-1939 йилгача давом этган иқтисодий инқироз) даврида ўртаҳол масиҳий ўз даромадининг 3,3 фоизини жамоатига берган, буни ҳозирги кун билан тақослайдиган бўлсак, ҳозирда бу 2,5 фоизга камайган.²

Иккинчидан, бу муҳим саволга Муқаддас Китоб биз кутганимиздан мутлақо фарқли равишда жавоб беради. Қанча миқдорда қурбонлик қилиш керак, қурбонликни кимга бериш керак ва уни қандай бериш кераклиги каби бошқа саволларга

жавоб берадиган бўлсак, бу “нима учун” деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу китобнинг аксарият қисми “нима учун” деган саволга жавоб беришга қаратилган. Ушбу асосий саволга жавоб бериб бўлгач, жамоатингиз қурбонлик қилишда қандай рол ўйнаши кераклигини кўриб чиқамиз. Сўнггида эса, биз сизда бўлиши мумкин бўлган муайян саволларга тўхталиб ўтамиз.

Муқаддас Китоб:

тубдан фарқ қиладиган ёндашув

Ушбу “нима учун” деган саволга жавоб бериш учун, биз Муқаддас Китобнинг бериш ҳақидаги асоси ва кўпчиликнинг хайрия ишларига пул ажратиш сабаблари ўртасидаги фарқни кўриб чиқишимиз керак. Одатда, одамлар нима учун қурбонлик қилишади? Хаёлимга иккита сўз келади: эҳтиёж ва мажбурият.

- Эҳтиёж: биз табиий офатдан кейин ёрдам бериш ёки инсон қадами етмаган шаҳарда хушxabарни баҳам кўриш каби яхши ишлар қилиниши кераклиги учун қурбонлик қиламиз.
- Мажбурият: қурбонлик қилишимиз керак бўлгани учун берамиз. Бу бизнинг қанчалар марҳаматланганимизни кўрсатадиган тўғри жавобдир.

Шунга қарамай, Янги Аҳдда қурбонлик қилишга ундайдиган турли сабаблар келтирилган. Шулардан иккитасига қисқагина тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, 1-Коринфликларга 13:3 да шундай дейилган: “Агар бор мол-мулкимни тарқатиб юборсам . . . лекин севгига эга бўлмасам, бундан менга ҳеч қандай фойда йўқдир.” Қандай ажойиб! Худонинг назарида, ҳадянинг қадр-қиммати унинг қанчалик зарурлиги учун эмас, балки мен *севги* билан қурбонлик қилишим ёки қилмаслигимга боғлиқ. Нотўғри сабаблар билан қурбонлик қилсангиз, эҳтиёжнинг қанчалар муҳимлигидан қатъий назар, бу ишингиз ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас.

Иккинчидан, 2-Коринфликларга 9:7 да “Худо қувониб берувчини севади” деб ёзилган. Ростданми? Чек ёзганингизда, Қизил Хоч жамияти сизнинг хоҳишларингизга эътибор берадими? Сиёсатчилар уларнинг сиёсий ҳаракатларини *нима сабабдан* қўллаб-қувватлаётганингизга эътибор беришадими? Ҳолбуки, *мамнуният* билан берувчи инсон Худони хурсанд қилади. Бу эса сиз қурбонлик қилишингиз кераклигининг мутлақо аксидир.

Янги Аҳднинг қурбонлик қилиш ҳақидаги таълимотида, мажбурият ва эҳтиёж унчалик муҳим эмас.³ Аксинча, биз имконият ва қувонч, Худонинг улуғворлиги ва мукофоти каби нарсаларга гувоҳ бўламиз. Нега шундай экан?

Мажбурият муаммоси

Келинг, бир мисол келтирай. Турмуш ўртоғим ажойиб пазанда. Албатта, мактаб ёшидаги учта фарзандим ҳар доим ҳам уни ажойиб пазанда деб ҳисоблашмайди. Баъзан улар нолиб ҳам қўйишади. Тасаввур қилинг-а: бир куни улар кечки овқатнинг қанчалик мазали эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапириб, уни жуда очиқиб ейишади. Эртаси куни эса уларга овқат ёқмайди, лекин барибир нолимасдан ейишади. Бу икки кундан қайси бири турмуш ўртоғимнинг пазандалик маҳоратини кўрсатяпти? Биринчиси, албатта. Иккинчи кун фақатгина болаларим ва уларнинг қанчалик итоаткорлигини таърифлайди.

Худди шундай, мажбуриятдан воз кечиб чин дилдан қурбонлик қилиш, *бизнинг* қанчалик итоаткор эканлигимизни кўкларга кўтаради. Лекин мамнуният билан қурбонлик қилиш (ёки “қувонч” билан [2-Коринфликлар 9:7]) Худони улуғлайди.⁴ Масиҳга эргашиш учун пулимизни мамнуният билан берсак, бу Унинг қанчалик яхши ва ҳурматга лойиқ эканлигини кўрсатади.

Шуни эсингиздан чиқарманг, Худо бизнинг қурбонлигимизга умуман *муҳтож эмас*. Санолар 49:12 да Худо шундай дейди: “Агар Мен оч қолганимда эди, сенга айтмас эдим, чунки дунё ва уни тўлдириб турган ҳамма нарса Меникидир.” *Ҳамма нарса* Худоникидир. Ҳаттоки биз “унга беряпмиз” деб ўйлаган пул ҳам аллақачон унга

тегишли. Пул етишмовчилиги ҳеч қачон Худонинг таъбини хира қилмайди.

Шундай экан, нега Худо қурбонлик қилишимиз ҳақида қайғуради? У пулимизни эмас, балки қалбимизни хоҳлагани учун қурбонлик қилишимизни истайди. Шунинг учун ҳам Худо мамнуният билан берувчи инсонни хоҳлайди.

Хурсандчилик билан қурбонлик бериш

Амазон компаниясини асосчиси Жеф Безос билан Амазонни ишга туширганидан бир йил ўтиб учрашганим эсимда. Агар сиз ушбу рисолаани дунёнинг бошқа бурчагида ўқиётган бўлсангиз, Алибабанинг асосчиси Жек Ма ёки Маркадо Либернинг пайдо бўлишига сабабчи Маркос Галперин билан учрашиш ҳақида ўйлаб кўринг. Ўша пайтда у катта ғояга эга бўлса-да, таниқли инсон эмас эди. Келинг энди, тасаввур қилайлик (афсуски, бу фақат бизнинг тасаввуримизда холос) у мендан компаниянинг бир қисми эвазига бир неча минг доллар сўради. Ўтмишга назар ташлаб, мен бу айрибошлаш орқали унга яхшилик қилдим деб ўйламаган бўлар эдим, шундай эмасми? Ҳозирга келиб, бу улуш миллионлаб долларга тенг бўлар эди. Бунга эса, мен ўзим дуч келган энг катта ва энг ажойиб имконият сифатида қараган бўлар эдим.

Худо сизни жамоатингизга *мана шундай* муносабатда бўлишга ундайди. Ўша ҳаяжон, ўша қувонч, ўша интиқиб қутиш ва яна кўплаб нарсалар қурбонлик қилишнинг асоси ҳисобланади. Биз

қурбонлик қилишга мажбурият эмас, балки имконият сифатида қарашга ҳаракат қилишимиз керак. Телевизорда “бизнинг хизматимиз учун қурбонлик қилинлар ва Худо сизни бой қилади” дегувчи ва Муқаддас Китобдаги Худонинг аҳдини нотўғри талқин қилувчи ҳамда оёқ ости қилувчи баъзи бир диний лўттибозларнинг йўлини тутмаслигимиз керак. Йўқ, биз бу дунёда ҳам, охирада ҳам энг яхшисига эга бўлишимиз учун қурбонлик қиламиз.

Бунинг сабабларини кўриб чиқиш учун биз кейинги учта бўлимда “*Нима учун қурбонлик қилишимиз керак?*” деган саволга жавоб берамиз. Агар уларни худди шу саволга берган самимий жавобларингиз билан солиштирсангиз, ушбу бўлимлар сиз учун анча фойдали бўлади. Шундай қилиб, қуйидагиларга жавоб беришга бироз вақт ажратинг (пастдан жавоб қидирманг!) ва жамоатингизга қурбонлик қилишнинг учта асосий сабабларини ёзиб чиқинг. Кейинги учта бўлим сизга фойдали бўлиши учун қуйидаги саволларга жавоб беришга ростан ҳам бироз вақт ажратинг.

Жамоатимга қурбонлик қилишимнинг сабаблари:

1. _____

2. _____

3. _____

Нега қурбонлик қилиш керак? Қалбингиз Учун

Қўлдан Пул Кетганда

Чўпон бўлишимдан бир неча йил олдин, бизнес сафари билан Лондонга бордим. У ердаги охирги кечамда, ўз юртимдаги (яъни Америка Қўшма Штатларидаги) жамоатимга қўнғироқ қилиб, телефонда йиғилиш ўтказишга қарор қилдим - ва бу телефон қўнғироғи узоқ, олти соатлик йиғилишга айланди. Эртаси куни тонгда, мен учун эсда қоларли иккита воқеа содир бўлди. Биринчиси, иш берувчим менга катта миқдорда бонус (рағбат пули) бериши ҳақида хабар топдим, бу хабарни эшитишим биланоқ, бонусни қандай сарфлаш ҳақида режалар туза бошладим. Қанчасини сарфлашим керак? Қанчасини беришим керак? Сарфлаш йўллари ҳақида қанчалик кўп ўйлаганим сари, бермоқчи бўлган улушимнинг миқдори шунчалик камайиб борарди.

Иккинчиси, меҳмонхонамдан чиқиб кетаётганимда, жамоат йиғилишига қилган, бепул деб ўйлаган телефон қўнғироғим, аслида бепул эмаслигини ва телефон қўнғироғим учун ҳар дақиқасига 10 фунт стерлинг тўлашим кераклидан хабар топдим. Математик йўл билан ҳисоблаб чиқилганида бу минглаб доллар бўлади! Раббийнинг бунақа ҳазилкашлигини ким билибди дейсиз? У менга катта миқдорда

пул берди, ва мен дарҳол бу пулни қандай сарфлаш ҳақида ўйлаб турганимда, уни мендан олиб қўйди.

Ҳикматлар 23:4–5 оятларида бойликнинг ўткинчи табиати тасвирланган ва бу тавсиф жудаям ажойиб мисолдир.

Бой бўлай деб ўзингни дармонингни қуритма,
бу фикрингни бас қил.

Унга кўзларингни тикасан ва у мана йўқ,
зеро у ўзига қанот ясаб,
бургутдек осмонга учиб кетади.

Қалбингизни шундай нарсага бериб қўйманг!
Кейинчалик ўйлаб қарасам, бу менинг фойдамга бўлган экан. Ўшанда бирданига, бонусимнинг "бахт" тузоғига тушиб қолганимни англадим.

Яхшиямки, меҳмонхона менежери билан келишиб олиб, телефон тўловимни бир неча долларга камайтира олдим. Олган бонусимни жамоатимга ва унинг хизматига бердим. Худо менга, бу пуллар Уники ва уларни вақтинчалик бошқаришимни эслатди. Бу тушунча мени юрагимдаги пулнинг ҳукмронлигидан халос этди ва сахий бўлиш қувончини туйдим.

Қалбимиз хазинамизга эргашади

Исонинг ўзи бизга худди шундай деган. “Аммо осмонда ўзингизга . . . хазиналарни тўпланглар.

Чунки сизнинг хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади” (Матто 6:20-21). Юрагимиз табиий равишда хазинамизга эргашади. Агар сиз Найк компаниясининг акцияларини (қимматбаҳо қоғозлар) сотиб олсангиз, тўсатдан сизда Найк қандай ишлашига қизиқиш уйғонади. Агар хазинангизнинг катта қисми сизни самода кутаётганини англаган ҳолда қурбонлик қилиб ҳаёт кечирсангиз юрагингиз ўша ерда бўлади.

Муқаддас Китоб самода хазина йиғиш кераклигини айтади. Бу нега қурбонлик қилишимиз кераклигини тушунтириб берадиган асосий далилларида бири: бу қалбимизни бу дунё ва ундаги нарсаларга боғланиб қолишидан ҳимоя қилади.

Аслида, юрак ва хазина ўртасидаги бу алоқа икки йўналишда ҳаракатланади. Юрагингиз хазинангизга *эргашади*. Аммо бундан ташқари, қалбингизнинг ҳолати хазинангизни *намоён қилади*. Агар масиҳий бўлсангиз шундай яшанг-ки, агар жаннат хомхаёл бўлиб чиқадиган бўлса, бутун ҳаракатларингиз беҳуда кетган бўлсин (1-Коринфликлар 15:19). Сизнинг бурчингиз фақатгина бир нарсага ишонишдир: Исонинг ваъдаларига. Буни англаш учун эса юрагингизга назар солинг ва қанчалик яхши эплаётганлигингизни билиб олинг.

Жаннатга қанчалик интиласиз? Бу дунёнинг васвасаларига-чи? Матто китобининг

6-боби термометр сифатида ҳаётингизнинг ҳароратини ўлчайди.

Борди-ю юрагингиз бу дунёнинг нарсаларига тўлиб тошганини билиб қолсангиз нима қиласиз? Бу нарсалардан холос бўлинг. Хазинангизни самога қўйинг, шунда юрагингиз унга эргашади. Матто 6-боб термостат сифатида, меҳр-муҳаббатингизнинг ҳароратини *созлайди*.

Қурбонлик қилиш юрагингиз ҳақида нима дейди?

Худо Унга чин юракдан қурбонлик қилишингизни истайди. У сизнинг истакларингиз, орзуларингиз, меҳр-муҳаббатингиз ва ниятларингиз, умидсизликка тушиб йўқ бўлиб кетадиган бу дунёга эмас, балки *Унга* ва *Унинг ваъдаларига* асосланишини хоҳлайди. Худойимизнинг қанчалар ғамхўр ва меҳрибонлигини кўряпсизми?

Шундай экан, бироз вақт ажратиб қуйидаги саволларга жавоб беринг. Жавобларингизни берилган жойга ёзиб қўйинг:

Одатда нима ҳақида хаёл сурасиз?

Ёлғиз қолганингизда сизни қандай қўрқувлар қуршаб олади?

Ўз олдингизга қандай мақсадлар қўясиз?

Қайси хатоларингиздан кўпроқ афсусланасиз?

Кўпинча нима ҳақида гаплашасиз?

Бу жавобларга кўра, хазинангиз қаерда экан?

Худонинг ажойиб севгиси

Худойимиз буларнинг барчаси ҳақида қайғураётгани қандай ажойиб-а! Коинотни яратиб уни барча нарсалар билан таъминлаб қўйган, қитъаларни, сайёраларни, юлдузлар туркумини, галактикаларни, вақтни ва абадиятни бошқарадиган Худо, *сизнинг* нималар билан машғуллингиз ва бундан ташқари, *нима* учун булар билан бандлингиз ҳақида қайғуради. У сизни севгани учун, қилаётган ишларингиз ҳақида қайғуради. Худо фақат Ундан шодланишингизни истайди.

Шундай экан, Худо сизга ишониб топширган манбаларни саҳийлик билан ишлатинг. Қалбингиз учун шундай қилишингиз керак.

Нега қурбонлик қилиш керак? Мукофотланишингиз учун

Павлуснинг антиқа миннатдорчилик хати

Инжилдаги Филиппиликларга китоби, қисман, Павлуснинг Филиппидаги жамоатга молиявий ёрдам учун ёзган миннатдорчилик мактубидир. Албатта, миннатдорчиликни таъкидлаш орқали Павлус улардан қурбонлик қилишда давом этишларини сўраган. Бу эса, Павлуснинг Филиппиликларга мактубининг охиридаги сўзларини анчагина қутилмаган ҳолга келтиради.

Мен буни муҳтож бўлганим учун гапирмаяпман, чунки менда бори билан қаноатланишга ўрганиб қолдим. . . . Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масиҳда мен ҳамма нарса қила оламан (Филиппиликлар 4:11, 13).

Павлус унда ҳеч қандай муҳтожлик йўқлигини таъкидлайди! Шунга қарамай, Павлус ўзи учун эмас, балки улар ўзларининг фойдаси учун қурбонлик қилганларидан миннатдор эди.

Мен ҳадяни изламаяпман, лекин сизларнинг ҳисобингизга кўпаядиган ҳосилни излаяпман (Филиппиликлар 4:17).

Филиппи жамоатидагилар бериш орқали нимагадир эга бўладилар, Павлус шунинг учун уларнинг қурбонлик қилишларини хоҳлайди. Исо Матто китобининг 6-бобида айтганидек, бу ҳаётда қилган баъзи нарсаларимиз самовий хазинага айланади. Муқаддас Китобда нима учун қурбонлик қилиш кераклигининг иккинчи асосий сабаби келтирилган: абадий мукофот учун. Аслида, агар пулга тегишли қарорларингиз юқоридаги сабабга асосланмаган бўлса, сизнинг молиявий тамойилингиз узоққа етиб бормади.

Афсуски, фаровонлик хушxabари дунёдаги масиҳий жамоатларига жуда катта талофат етказгани учун бир муддат тўхтаб, Муқаддас Битикдаги аҳд жудаям ҳақиқий ва руҳий хусусиятга эга эканлигига алоҳида урғу бериб ўтишим керак. Исо Матто китобининг 6-бобида айтганидек, “Аммо *осмонда ўзингизга . . . хазиналарни тўпланглар*” (20-оят). Агар сиз жамоатингизга кўпроқ қурбонлик қилсангиз, Худо бугунги кунда сизнинг соф хазинангизни оширишни танлаши *мумкин*. Аммо у ҳеч қачон буни ваъда қилмаган. Агар сизга қандайдир масиҳий ўқитувчи, унинг хизматига қурбонлик қилсангиз бунинг эвазига сизга яхшироқ никоҳ, банк ҳисобингизда яхшигина пул, ва энг зўр доктор қабулини ваъда қилса ёки ишора қилса у ҳақиқий масиҳий ўқитувчи эмас.⁵

Йўқолиб бораётган нарсани абадий қоладиганига алмаштиринг

Бир неча йил олдин Ҳиндистон ҳукумати барча беш юз ва бир минг рупийлик қоғоз пуллар қонуний кучга эга эмаслиги тўғрисида маълум қилди ва бу хабар эълон қилинганидан *тўрт соат* ўтиб кучга кирди. Бу эса тушлик вақтидан кейин ҳамёнингиздаги барча ўн ва йигирма долларлик купюраларнинг кераксиз эканлигини айтиш билан баробардир. Тез орада қадрсиз бўладиган купюраларни нима қилган бўлардингиз? Эҳтимол, уларни яроқлисига айлантиришни хоҳлаган бўлардингиз, шундай эмасми?

Қаранг, бу мисол масиҳийлар ҳаётининг қанчалар ажойиб тасвирлайди! Сиз уни ўзингиз билан олиб қололмайсиз. Лекин, кўпчилик айтганидек, уни олдиндан жўнатишингиз мумкин. Ҳиндистондаги ўша савдогарлар тез орада қадрсиз бўлиб қоладиган валютани айирбошлаш билан банд бўлгани каби, сиз ҳам дунёвий бойликни хушxabар ишини жадаллаштириш учун йўқолмайдиган хазинага алмаштира оласиз. *Бугунги кунда* пулингизни қандай сарфлашингиз сизга *абадиятда* ўз таъсирини кўрсатади.

Пуллингизни ақл билан ишлатинг

Бу ҳақиқат пулга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Аммо, афсуски,

бундай ёндашув ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Баъзиларимиз пулимиз кўп бўлмагани учун, уни атайлаб унча эҳтиётламаймиз. Аммо Муқаддас Китобдаги қурбонлик қилган қуйидаги қаҳрамонлар ҳақида ўйлаб кўрайлик: муқаддас чодир учун қурбонлик қилган мисрлик озод қуллар (Чиқиш 36); ўта камбағал бўлишларига қарамай хайр-эҳсон қилган Македониялик масиҳийлар (2-Коринфликларга 8); бор-будини бериб Худонинг Ўғлидан мақтов олган Марк китобининг 12-бобидаги камбағал бева аёл. Муқаддас Китобда келтирилган қурбонлик қилган қаҳрамонлар *жуда ҳам камбағал эдилар*. Қизиғи шундаки, 1-Тимотийга 6 да, Павлус бойларга мурожаат қилганда, улар "эзгу ишлар қилсинлар, *хайрли ишларда бойисинлар*, сахий ва ҳаммага улфат бўлсинлар" деб айтади (18-оят.) Қандайдир бир иқтисодчи камбағалларнинг ҳадялари кичик бўлгани учун, уларнинг сахийлиги унчалик аҳамиятга эга эмас, дейиши мумкин. Лекин Худонинг наздида асло ундай эмас. Муқаддас Китобда қурбонлик қилган *камбағал* қаҳрамонлар ҳақида ёзилган. Бойларнинг очиқ қўл бўлишларига умид қилинади, лекин Худо улардан *аслида* яхши ишларга бой бўлишни хоҳлайди. Етишмовчилик бўлишига қарамасдан берилган хайр-эҳсонлар Худони улуғлайди.

Бошқа томондан олиб қаралганда, баъзилар пулни эҳтиёт қилмаслик, аслида, тўғри деб ҳисоблашади. Ҳа. . . Мен ҳақиқатан ҳам пулга қизиқмайман. Сиз пулни ўзингиз билан қабрингизга олиб кетолмайсиз-ку! Аксинча, молиявий жиҳатдан аниқ фиркага эга бўлмаган киши, пул ҳақида қандай фикрда бўлишимиз имоннинг асосий кўрсаткичи эканлигини ёдда тутишлари керак. Исонинг Матто 25-бобидаги қобилиятлар ҳақидаги машҳур масалида хўжайин ўз бойлигини бошқаришга иккиланган хизматкори "ёмон ва ялқов" деб атаган (26-оят) ва масалнинг якуний қисми ҳаммамиз учун огоҳлантиришдир.

Сиз нафақат ўзингизга маъқул келгани учун, балки қурбонлик қилиш орқали ўзингиз учун самода ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган хазинани йиғишингиз учун ҳам қурбонлик қилишингиз керак.

Нега қурбонлик қилиш керак? Худонинг улуғворлиги учун

Қурбонлик қилиш Худони қандай улуғлайди

Қурбонлик қилишнинг учинчи сабаби, бу Худонинг эзгулиги ва улуғворлигини намоён қилади. Қандай қилиб? Жон Пайпердан бир қиёслаш олиб ишлатаман: Нега турмуш ўртоғимга гуллар бераман? Мен мажбурлигимдан эмас (агар унга шундай десам, унинг юз ифодасини тасаввур қилиб кўринг), балки *хоҳлаганим* учун. Чунки у ажойиб! Чунки у мафтункор! Чунки мен

унга бўлган муҳаббатимни қандайдир бир кичик йўл билан бўлса-да, изҳор қилиб уни хурсанд қилишни хоҳлайман.⁶

Худди шундай, қалбимиз Худонинг қанчалик ажойиблигидан миннатдорликка тўлганда, қурбонлик қилиш истаги билан ҳам тўлиб тошади. У ҳамма нарсани яратган Зотдир. Тоғнинг мусаффо ҳавосида, ёқимли дўстликда, қойилмақом қилиб бажарилган ишда, мазали таомда, биз баҳраманд бўладиган, ҳар бир эзгулик – *Унинг* эзгулидир. Бу нарсалар эса, Унинг қанчалик эзгулигини кўрсатадиган энг кичик кўланкадир. Аслида, Унинг эзгулиги, шунчаки дунёни яратишдан иборат бўлибгина қолмай, кун келиб У бу дунёни ҳукм қилишини ҳам ўз ичига олади. У шу қадар яхшики, ҳукм кунда фош бўлмайдиган бирорта нотўғри иш, маълум бўлмайдиган бирорта гуноҳ қолмайди. Бир кун келиб, Унинг ҳақлиги шунчалик равшан бўладики, "Барча халқлар келиб, [Унинг олдида] сажда қиладилар" (Ваҳий 15:4).

Бунинг устига-устак, бизнинг Худойимиз раҳм-шафқатга тўла. Биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни "Масих билан бирга жонлантирди" (Эфесликлар 2:5). Биз ҳали Худонинг душманлари бўлган пайтимизда, Худо Ўзининг азиз Ўғлини юбориб бизнинг ўрнимизга қурбон қилди (Римликлар 5:8–10). Шундай қилганидан сўнг, у бизнинг устимизга тинимсиз марҳаматини ёғдирди! Унинг фарзандлари бўлиш

марҳамати, Нажоткоримиз орқали абадий ҳаётга эга бўлиш марҳамати, ҳамма нарсани яхшиликка хизмат қилдириш марҳамати (Римликлар 8:28), ибодат, Худонинг мукамал Каломи, масиҳийча севги ва жаннат марҳамати. Бу рўйхатни узундан-узоқ қилиб давом эттиришим мумкин.

Худонинг беҳисоб, эзгуликка бой жиҳатига қандай муносиб бўла оламиз? Унинг бу жиҳатини намоён қилиш ва бу ҳақида масиҳий биродар ва опа-сингилларимиз билан суҳбатлашишимиз орқали! Исо ҳақидаги хушxabарни билмаганлар билан баҳам кўриш орқали! Буларни ҳаммасини амалга ошириш учун пулимизни эҳсон қилиш орқали, чунки Исо жуда ҳам ажойибдир. Қурбонлик қилишимиз Худонинг эзгулиги ва улуғворлигини мана шундай кўз-кўз этади. Янада кўпроқ Инжил атамасини қўлаб айтадиган бўлсак, бизнинг пулимиз уни мана шундай улуғлайди. Қизи учун миллион долларлик тўйни бажонидил уюштирган оила, қизига бўлган севгисини, бойлигининг чексизлиги орқали кўз-кўз этади. Масиҳий киши ўзининг моддий бойлигини хурсандчилик билан қурбон қилиш ва Ундан қабул қилган чексиз руҳий бойлиги орқали, Исога бўлган севгисини кўрсатади.

Қурбонлик бу абадий хазина учун сармоя

Қурбонлик қилиш Худонинг улуғворлигини намоён қилади ва шундай экан, моддий

қурбонлик қилиш билан абадий хазинага эга бўласиз. Бу дунё ва ундаги нарсалар ўткинчи, бироқ бу дунёдаги жонлар ва, энг муҳими, Худонинг эзгулиги ва улуғворлиги ҳақида сўзлайдиган ҳаётларимиз ҳикояси абадийдир. Жаннат Худонинг абадий тантанасидир, чунки ер юзида содир бўлган барча воқеаларга назар ташлар эканмиз, бу Яратувчимизнинг қудрати, адолати, раҳм-шафқати, севгиси ва меҳрибонлигидаги улуғворлигини мукамал тарзда очиб берганига гувоҳ бўламиз (Ваҳий 15:4). Қурбонлик бериш Худонинг улуғворлигини намоён қилади ва у боқийдир.

Ҳар гал қурбонлик бера туриб, шу пулни сарфлашингиз мумкин бўлган ҳар қандай нарсадан кўра, Худо яхшироқ эканлигини таъкидлаётган бўласиз. Баъзида қурбонлик бериш учун озгина имон керак бўлади. Бошқа пайтларда эса ўша пулни бошқа нарсага сарфлаш васвасасига тушасиз ва уни қурбонликка бериш учун сиздан кучли имон талаб этилади. Агар қурбонлик қилиш имонни талаб қилса, Худонинг лойиқлигини ҳаракатингиз билан таъкидлашингиз янада кучлироқ, шундай эмасми? Ибронийларга 11:6 да шундай дейилган: “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ.” Моддий битимни доимий қадр-қимматга айлантирадиган нарса бу сизнинг имонингиздир.

Сизнинг қурбонлигингиз шундай қила оладими? Бу одамлар наздида анча яхши кўринадиган ишми? Ёки ҳамма нарсани Худонинг ваъдаларига таваккал қилаётганингиз учун, омма олдида ақлдан озган ва аҳмоқдай кўриняпсизми? Худонинг ваъдаларига таваккал қилиб ҳаммасини Унга топширинг! Чунки бунданда осойишта жой йўқ.

Мободо қурбонлик қилишни хоҳламасамчи?

Албатта, баъзан қурбонлик қилганимиздан хурсанд бўлмаймиз. Хўш, унда нима қилиш керак? Аввалига, жаҳлингиз чиқиши мумкин. Бу энг нотўғри муносабат. Бу тарзда қурбонлик қилиш, Худони ёлғончи қилиб қўяди. Ғазаб билан қурбонлик қилиш, Худони, пулингизни ишлатишнинг яхшироқ йўли бўлса-да, уни талаб қиладиган хасис хўжайинга ўхшатиб қўяди.

Иккинчидан, пулни эҳсон қилмасдан, уни ўз муҳтожликларингиз учун *сарфлашингиз* мумкин. Бу яхшироқ, лекин сахийлик қалбимизни бу дунёнинг қуруқ ваъдаларидан қутқармайди.

Ёки учинчидан, қурбонлик беришингиз мумкин. Яъни мажбуран эмас, балки имон билан, ичингизда нима кечаётган бўлса ҳам, қурбонлик бериш яхши эканлигига ишониб берасиз. Қурбонлик бериш мунтазам ва одатий

ҳолга айлангани сайин, қалбингиз хазинангизга эргашади ва қувончга тўласиз.

Айнан шу ҳақиқат менга қурбонлик қилиш қувончини биринчи бўлиб очиб берди. Биринчи марта ишга кирганимда, жамоатимга қурбонлик бердим, лекин тўғриси айтсам, менинг бу эҳсоним мамнуният билан эмас, балки тушунмасдан берилган қурбонлик эди. Кейинчалик эса қурбонликка молиявий битим сифатида эмас, балки кўпроқ Нажоткоримнинг улуғворлиги ва эзгулигини кўрсатиш имконияти сифатида қарай бошладим. Бу дунё учун қадрли бўлган нарсани масхара қилиш қанчалик мароқли эканлигини, уни бера бошлаганим сайин тушуна бошладим. Мен Худонинг ваъдалари ёрдамида ҳақиқий таваккал қилиш қувончини тушуниб етдим. Ундан ташқари саховатли бўлиш қувончини тушуна бошладим. Мана шундай қувончни сиз ҳам кашф этинг!

Қалбингиз ва мукофотингиз учун беринг. Сиз Худони улуғлаш учун яратилгансиз. Айнан шунинг учун қурбонлик беринг. Энди, 18-19-саҳифада нима учун қурбонлик қилишингиз ҳақидаги рўйхатингизга яна бир бор назар солинг. Ушбу учта бўлимни ўқиб чиққач, улардан бирортасини ўзгартирган бўлармидингиз? Қурбонлик қилиш учун санаб ўтилган қайси сабаблар ҳақида ўйлаб олишингиз учун вақт керак?

Лекин, албатта, *нима* учун қурбонлик қилишим кераклигини фаҳмлаш - бу фақатгина бошланишдир. Ушбу сабабларни қаерда ва қандай қилиб амалда қўллашимиз мумкин? Бу кейинги икки бўлимнинг мавзуси.

Қаерга қурбонлик қилиш керак? Сизнинг маҳаллий жамоатингиз ва Худонинг режалари

Нега маҳаллий жамоатимга қурбонлик қилишим керак?

Ҳозиргача ушбу рисолада Худонинг мақсадлари учун хайр-эҳсон қилиш ҳақида умумий тарзда муҳокама қилдик, лекин рисоланинг муқовасидаги махсус савол ҳақида гап юритмадик: *Нима учун жамоатимга қурбонлик қилишим керак?*

Бундай олиб қарасак, масиҳийларнинг ўз маҳаллий жамоатларига қурбонлик қилиш масъулияти ҳақида Янги Аҳдда жуда кўп гапирилган. Павлус шундай деб ёзади: “Раббий ҳам Хушхабарни воизлик қилувчиларга бу меҳнатдан кун кечиришларини буюрган” (1-Коринфликлар 9:14). Бу ваъз эшитганларга тааллуқли бўлмаса яна кимга қаратилган бўлиши мумкин? Худди шундай, Галатияликларга 6:6 да у шундай деб ёзади: “Сўздан таълим олаётган одам таълим берувчи билан ҳар қандай эзгуликни баҳам кўрсин.” Жамоатингизда

Каломдан таълим олганмисиз? Ундай бўлса, бу сизнинг бурчингиздир. Ёки 1-Тимотийга 5:17–18 оятларида маҳаллий жамоатдаги ўз воизига пул тўлаш тўғрисидаги кўрсатма ҳақида ўйлаб кўринг. Агар жамоат аъзолари бўлмаса, бу пул қаердан келади?

Яққол кўриниб турибдики (шубҳасиз), Худо жамоатимизга қурбонлик қилишимизни буюради. Албатта, Унинг барча амрларида бўлгани каби, Худо, биз мажбуран эмас, балки ўз хоҳишимиз билан беришимизни истайди - чунки биз Унинг лойиқлигига ва ваъдаларига чиндан ишонамиз. Шу нуқтаи назардан, сизга хайр-эҳсонингизнинг аксарият қисми (ғайриоддий ҳолатлар бундан мустасно) маҳаллий жамоатингизга сарфланиши кераклиги ҳақидаги тўртта сабабни келтираман.

1-Сабаб: Маҳаллий жамоат сизга таълим беради

Бироз олдин кўриб гувоҳи бўлганимиздек, Худо ўқитувчиларга маош тўлаш учун масъулиятни таълимотни қабул қилувчилар зиммасига – яъни жамоатга юклайди. Жамоатингизда Муқаддас Китобдан таълим олиш қимматга тушади. Олий даражадаги таълимга пул сарфляяпсизми? Қалбингиз (руҳингиз) учун бундан яхшироқ яна қандай сармоя қилишингиз мумкин?

2-Сабаб: Маҳаллий жамоат устунликка эга

Бенжамин Франклиннинг машҳур бир гапи бор, “Бу дунёда солиқ ва ўлим ҳақ”. Агар у масиҳий бўлганида, учинчисини ҳам тилга олган бўларди: маҳаллий жамоат. Ахир, бошқа ҳеч бир муассасада Исонинг абадийлик ҳақидаги ваъдаси йўқ: “Мен мана шу тош устида Ўз жамоатимни қураман ва дўзахнинг дарвозалари уни енга олмайди” (Матто 16:18). Бу худди Худо қулоғингизга 1890 йилда “автомобилга сармоя киритинг” ёки 1990 йилда “Интернетга сармоя киритинг” деб шивирлагани кабидир. Матто китобининг 16-бобида Исо ҳаворийларга шундай деган: “Жамоатга сармоя киритинглар; у беҳуда кетмайди, абадий қолади.” Исо ҳар бир маҳаллий жамоат абадий қолишига ваъда бермаган, лекин агар бугунги кунда абадий бойлик олиб келадиган бирор нарсага сармоя киритмоқчи бўлсангиз, маҳаллий жамоатдай ўзига бошқача жалб этадиган нарсани тополмайсиз.

3-Сабаб: Маҳаллий жамоат муҳим аҳамиятга эга

Эфесликларга 3:10 да айтилишича, маҳаллий жамоат, Худонинг улуғвор донолигини осмон остидаги барча мавжудотларга ошкор қилиш учун Унинг буюк режасининг энг муҳим жиҳатидир. Ҳаворийларга 20:28 да айтилишича,

Худо жамоатни "Ўз қони билан" сотиб олган. Худо жамоатингиз ҳақида қаттиқ қайғуради! Шунинг учун, маҳаллий жамоат, эҳтимол, кўпчилигимиз фаҳмлай олишимиздан-да кўпроқ аҳамиятга эгадир. Жуда кўп турли масиҳий руҳонийлар сизнинг қурбонлигингиз учун рақобатлашаётган бўлишлари эҳтимолдан йироқ эмас. Улар билан солиштирганда, сизнинг маҳаллий жамоатингиз зерикарли ва кўримсиз бўлиши мумкин. Аммо биз "муҳим" ва "ҳайратга солувчи" ғояларимизни Муқаддас Китобдаги Худонинг устувор Каломига мувофиқлаштиришимиз керак. Шундай қилганимизда, маҳаллий жамоатда буюк куч ва шон-шуҳратни кўраимиз.

4-Сабаб: Маҳаллий жамоат донодир

Жамиятимизда яшар эканмиз, кўпинча бизга ҳеч ким пулимни қандай сарфлашни ўргатишга ҳақи йўқ деб ўйлаймиз. Лекин бу масиҳийча ёндашув эмас, тўғрими? Масиҳий бўлиб, сиз ҳамма нарсани Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳокимиятига топширдигиз. Унинг ҳокимиятига бўйсунининг бир қисми маҳаллий жамоатингизнинг ҳокимиятига бўйсуниш ҳисобланади (Ибронийлар 13:17). Жамоатингизга қурбонлик қилганингизда, сиз Исо учун пулингизни қандай сармоя қилиш

тўғрисида қарорингизни маҳаллий жамоатингиз ва унинг раҳбарларига топшираётган бўласиз. Жамоатимдан кўра яхшироқ биламан, деган фикр, хоҳ ахлоқингиз, хоҳ пулингиз билан бўлсин, Инжилдаги масиҳийликка зид фикрdir.

Жамоатимга пулимни ишонмасам-чи?

Эҳтимол, ушбу рисола ни ўқиётганингизда, лекин сиз менинг жамоатимни билмайсиз деб ўйлаётгандирсиз! Улар қанчалик (бўш жойни тўлдиринг: ландавур, дунёвий, бесамара, очкўз ва ҳоказоликларини) билмайсиз!

Агар бунга эътироз билдирсангиз, менда бунга жуда оддий жавоб бор: Агар пулингизни жамоатингизга ишона олмасангиз, ўзингизга қандай қилиб ишонасиз? Молиявий ва руҳий воқеликлар ёнма-ён юради. Исонинг сўзларини эсланг: “сизнинг хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади” (Матто 6:21).

Албатта, жамоатингизга ишониш, уларнинг ҳар бир тийинни хоҳлаганларича сарфлашларига рози эканлигингизни англатмайди. Эҳтимол, сиз улар ходимларга бироз камроқ ва хизматларга бироз кўпроқ пул сарфлашларини хоҳларсиз; эҳтимол, сиз янгича таъмирлашга сарфланган пул энг оқилона сармоя эмас деб ўйларсиз. Мен буни тушунаман. Бундай вазиятларда учта нарсани ёдда тутинг:

- 1. Ҳеч ким мукаммал эмас.** Биржа қимматбаҳо қоғозлари тўпламида ғолиблар ва мағлублар бўлгани каби, сизнинг жамоатингиз ҳам охириги ҳисоб-китобда энг тўғри ва диний сармоя бўлмаган нарсаларга пул сарфлайди. Ҳечқиси йўқ. Жамоат етакчилари томонидан қилинган бир нечта бюджетга алоқадор хатоларнинг борлиги, имкониятингиз бўла туриб сизни қурбонлик қилмаслик масъулиятдан халос этмайди.
- 2. Ишонч талаб этилади.** Агар сиз жамоатингизни ишончли деб билсангиз, унга ишонинг. Баъзан жамоатингиз қилаётган қандайдир иш сизга маъқул келмаслиги мумкин, лекин сизнинг муносабатингиз ишончга асосланган бўлиши керак. Агар жамоат етакчилари қилган хатти-ҳаракатлари орқали сизда ишончсизликни пайдо қилишган бўлса, сиз ишона оладиган бошқа жамоат ва етакчиларни топишингиз керак.
- 3. Ҳавотирларингиз ҳақида гаплашиб олинг.** Агар жамоатингиз ўз пулини сарфлаш усуллари сизга маъқул келмаса, жамоатингиздаги бирор бир екатчи билан бу масала ҳақида гаплашиб олинг. Бутун жамоатга катта шов-шув қилманг, балки жамоатингиз етакчиларига улар қаерда хато қилаётганликларини камтарона хизматингиз билан кўрсатинг.

Ҳозиргача биз *нима* учун ва *қаерга* бериш кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб бердик. Яна бир муҳим савол қолди: *қандай қилиб*.

Қай усулда қурбонлик қилиш мумкин?

Павлуснинг қай усулда қурбонлик қилиш бўйича кўрсатмалари

Кўпчилик учун "қай тарзда қурбонлик қилиш керак" деган савол унча муҳим эмасдек туюлиши мумкин. "Агар қурбонлик қилмоқчи бўлсам, шунчаки ҳамёнимни очаман-да бераман, шундай эмасми? Бунинг қийин жойи йўқ." Лекин бу савол ҳақида чуқурроқ фикр юритмасак, каттагина қувончни қўлдан бой берган бўламиз. Масалан, 1-Коринфликларга 16:2 га назар ташлайлик:

Ҳафтанинг биринчи кунида, сизларнинг ҳар бирингиз ўз имкони бўйича эҳсонини бир четга олиб қўйиб, ўзида сақласин, токи мен келганимда, буларни йиғишга зарурат бўлмасин.

Ушбу оятда қандай қурбонлик қилишимиз кераклиги ҳақида иккита маъно бор:

Натижа №1: Қурбонлигингизни режалаштиринг. Биз кўпинча тўсатдан қарор қилишни (табиий, ўз-ўзидан пайдо бўлиш) руҳан етуклик сифатида улуғлаймиз, лекин ушбу оятда Павлус

буни назарда тутмаган. Балки у маълум бир даражадаги режалаштиришни яъни, ҳар ҳафта “эҳсонини бир четга олиб қўйиш” ни маслаҳат беради. Худди шунингдек, 2-Коринфликларга 9:7 да Павлус “Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин” деб ёзади. Жамоатда ҳамду сано айтаётганингизда Муқаддас Рух қанчалик фаол ишласа, ўз даромадингизни хисоблаётган пайтингизда ҳам шунчалик фаол ишлайди! Қанча миқдорда қурбонлик қилишингиз кераклигини белгилаб олиш шахсий бюджетни тузишнинг асосий таркибий қисми бўлиши керак - ва шу билан бирга бу бюджетга эга бўлиш учун устувор сабаб бўлиши керак.

Шахсий бюджетингизни тузиб даромадингизнинг ҳар бир доллари Худонинг мақсадларига қандай сарфланишини асосан ўзингиз ҳал қиласиз. Бир миқдор пулни оилангизга сарфлашингиз, Худонинг оилага ғамхўрлик қилиш ҳақидаги буйруғига итоат этишингизга кўмаклашади (1-Тимотий 5:8). Яна қанчадир миқдордаги пулингизни солиқларга сарфлашингиз, ҳукуматга итоат қилишингизга ёрдам беради (Римликлар 13:7). Пулингизни Худонинг мақсадлари учун сарфлашнинг энг яхши усулларида бири бу – маҳаллий жамоатдаги Унинг хизматига беришни режалаштиришингиздир (Галатияликлар 6:6).

Лекин албатта, қурбонлигингизни режалаштириш, унинг қанчасини беришга аҳд қилдингиз дегани, ва бу эса 1-Коринфликларга 16:2 нинг иккинчи маъносига тўғри келади.

Натижа №2: Даромадингизга мос равишда қурбонлик қилинг. Павлуснинг ҳар бир кишини “сизларнинг ҳар бирингиз ўз имкони бўйича” беришга ундаганига эътибор беринг. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар кам пул топсангиз, озгинасини қурбонликка беринг. Агар кўп пул топсангиз, кўпроғини қурбонликка беринг. Кўплаб масиҳийлар ва баъзи жамоатлардаги барча масхаблар, Масиҳга бўлган садоқатимиз учун ишлаб топган пулимизнинг 10 фоизини (ушрни) беришимиз тўғри деб ҳисоблашади. Ахир, Худо Эски Аҳдда Ўз халқидан шуни талаб қилган-ку (Малахи 3:10). Бошқа масиҳийлар, ушр бериш - ҳайвонларни қурбон қилишга ўхшаб, Эски Аҳдда Худога топинишнинг бир қисми бўлган деб таъкидлашади, ҳозирда эса бу амал Масиҳда адо этилгандир деб ишонишади (Юҳанно 2:20–21).

Мен бу масалага шу ерда барҳам беришни кўзлаётганим йўқ. Аммо ушр ҳақидаги фикрингиздан қатъий назар, сизнинг масъулиятингиз 10 фоиз билан чекланиб қолмаслигини илгари сураман. Ишлаб топган пулингизнинг 10 фоизини бериш ажойиб бошланғич нуқта бўлиши мумкин, лекин

бу Худо талаб қилаётган ягона нарса деб ҳисобламаслигимиз керак. Ҳаттоки Эски Аҳдда ҳам одамлардан ушрларидан-да кўпроғини беришлари кутилган (Малахи 3:8). Биз эса Масих орқали улар орзу қилган нарсларга эришдик. Биз қурбонликка мажбурият сифатида эмас балки имконият сифатида қарашимиз керак, ва ҳаётимиз мобайнида Исога хизмат қилишимиз мумкин бўлган турли имкониятларни ҳисобга олган ҳолда оқилона кўринадиган даражада беришга интилишимиз керак.

Қуйида қанча қурбонлик қилаётганингиз ҳақида ўзингиздан сўрашингиз керак бўлган тўртта савол:

- 1. Юрагимни ўзгартирадиган даражада қурбонлик қиялманми?** Агар қурбонлик қилишнинг сабабларидан бири ўзимизни жаннат сари етаклаш бўлса, менинг қилаётган қурбонлигим буни амалга ошириш учун сезиларли даражада етарлими?
- 2. Яна кимдир мен қанча миқдорда қурбонлик қилаётганимдан хабардорми?** Мақтанчоқлик билан бериш ҳақида гаплашишдан ўзимизни тийишимиз керак (Матто 6:3). Аммо, пул ҳақида эмас балки бошқа қийинчиликлар (масалан, шаҳват ёки кўркүв) ҳақида камтарлик билан маслаҳат сўрасак, ғалати эмасми? Ахир, Исо кўпинча бошқа мавзуларга қараганда кўпроқ пул ҳақида гапирган-ку.

- 3. Жамоатимга ҳар доим беришим мумкин бўлган даромадимнинг энг кам миқдори қанча?** Юқорида айтиб ўтганимдек, 10 фоиз - бу ажойиб бошланғич нуқтаси, аммо содиқ бўлиш учун кўпчилигимиз бундан ҳам кўпроқ қурбонлик қилишимиз керак.
- 4. Ҳаётимнинг бошқа жабҳаларидаги садоқатимга путур етказадиган даражада кўп беряпманми?** Масалан, жамоатимга жуда катта миқдорда қурбонлик қиламану, лекин ёнимдаги оч қўшнимга келганда зиқнаман. Бошқа тарафдан, агар жуда кам ёки умуман бермаётган бўлсам, эҳтимол, кўпроқ қурбонлик қилишни ўйлаб кўришим керак.

Ростдан ҳам беришим шартми?

Кўпинча ич-ичимизда қурбонлик қилишдан нолиймиз. Бу нотўғри ёндашувлигини биламиз, лекин нима ҳам қила олардик, бу бор нарса. Жамоатимдагиларга мана шундай ёндашув билан муаммо бўлса унда уларда миннатдорчилик муаммоси борлигини тез-тез эслатиб тураман. Биз Масих бизга берган иноятларини кўз-кўз қилиш учун қурбонлик қиламиз (2-Коринфликлар 8:8–9). Биз Нажоткоримизнинг номини улуғлаш учун берамиз (2-Коринфликлар 9:11–12). Уни севганимиз учун қурбонлик қиламиз (2-Коринфликлар 9:7).

Худо учун мамнуният билан қурбонлик қилолмаганимиз учун уни етарли даражада севмаслигимизни билганимизда, бу қуйидаги икки нарсадан бирини англатади. Биринчидан, биз Масиҳ хочининг улуғворлигини, қанчалик кечирилганлигимизни, бу Масиҳга қанчалик қимматга тушганлигини ва биз қанчалик нолайиқ эканлигимизни унутган бўлишимиз мумкин. Иккинчидан, биз аввал бошидан ҳеч қачон кечирилмаган бўлишимиз ва ҳали ҳам гуноҳ ботқоғига шўнғиб кетган бўлишимиз мумкин. Чунки Исо айтганидай, агар кўп кечирилган бўлсак, кўп севамик (Луқо 7:47).

Шундай экан, қурбонлик қилиш масаласини мажбурият сифатида эмас, балки юрагингиз назоратчиси сифатида қабул қилинг. Исони севасизми? Ундай бўлса биродар опасингиллар, чин юракдан беринг! Қурбонлик қилиш иноятини шакллантиришингиз орқали топишингиз мумкин бўлган қувончга умидвор бўлинг (2-Коринфликлар 8:7). Бошқа томондан, ушбу рисола тугата туриб Исога мамнуният билан қурбонлик қилолмаганингиз учун уни етарли даражада севмаслигингизни англаб етдингизми? Агар шундай бўлса, менда яхши хабар бор, дўстим: бунга ўзгартириш киритиш мумкин! Худо олдида бу гуноҳга иқрор бўлинг. Тош юрагингиздаги хайр-эҳсонингиз Унинг яхшилиги ва сахийлиги ҳақида сизга ёлғон

гапирган. Бу гуноҳни тан олинг ва фақат Исонинг сиз учун қурбон бўлгани бу гуноҳнинг жазосидан халос этиши мумкинлигига ишонинг. Ҳаётнинг барча жабҳаларида унга эргашишни танлаб, гуноҳларингизга иқрор бўлинг, ишонинг ва тавба қилинг. Сўнг ўзингизда бор бўлган нуқсонларингиз ҳақида ишончли масиҳий дўстингиз билан гаплашинг.

Худо мамнуният билан берувчини севади

Хуллас, буюк Худойимиз ва Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг мукамаллигини намоён этиш учун пулимизни қандай ишлатишимиз ҳақида биргаликда мулоҳаза юритайлик. Бу эса хурсандчилик чақириғидир! Маҳаллий жамоатингизга қурбонлик қилинг ва юрагингиз бу дунёнинг арзон "ҳазиналари" га парво ҳам қилмаётганига гувоҳ бўлинг. Жамоатингизга қурбонлик қилинг ва самода сизга мунтазир бўладиган мукофотни интиқлик билан кутинг. Жамоатингизга қурбонлик қилинг ва Исонинг улуғворлиги ва ажабтовурлиги намоён этиш учун пулингиз ортидан келадиган қувончга эга бўлинг. Беришингиз шарт бўлгани учун эмас, балки хоҳлаганингиз учун мамнуният билан беринг, чунки Худо сизга тақдим этадиган нарса пулингиз сотиб оладиган нарсалардан анча яхши эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бошқа саволлар

Қуйида қурбонлик қилиш ҳақида тез-тез сўраладиган саволларга қисқача жавоблар келтирилган.

1. Интернет орқали қурбонлик қилишим керакми?

Онлайн беришнинг баъзи шакллари (масалан, банк ҳисобингиздан мунтазам равишда пул ечиб олишни ўрнатиш) 1-Коринфликларга 16:2 да Павлус ундаган қурбонлик қилишнинг келишилган ёки режали услубини енгиллаштиради. Аммо бу режалаштирилган, автоматик қурбонлик қилиш шунчаки "назардан ва хаёлдан четда" қолишига йўл қўйманг. Бошқа усуллар (масалан, маълум бир телефон рақамига доллар миқдорини СМС орқали юбориш) кўпинча ҳиссиётга таяниб, ўйламай қурбонлик қилишга ундайди, бу Павлуснинг 1-Коринфликларга 16-бобида айтганларига мутлақо зиддир. Онлайн ушр бериш бизни ҳар ҳафта жамоат йиғилишларидаги ушр беришдан одатидан мосуво қилади - аммо Янги Аҳдда умумий жамоат йиғилишларида ушр беришнинг аниқ намунаси йўқлиги туфайли, кўпчилик бунни мақбул деб топишади.

2. Жамоатдан ташқаридаги ҳолатлар учун ҳам қурбонлик қилишим керакми?

Павлуснинг Галатияликларга 6:6, 1-Коринфликларга 9:14 ва 1-Тимотийга 5:17 даги кўрсатмаси,

олаётган таълимотимизни қўллаб-қувватлаш учун жамоатимизга эҳсон қилиш биринчи ўринда бўлиши кераклигини кўрсатади. Шу билан бирга, агар сизда имконият ва хоҳиш бўлса Муқаддас Битиклар бошқа хизматларга қурбонлик қилишни мақуллайди.

Келинг, ушбу қўшимча қурбонлик қилиш тўғрисида бир нечта кўрсатмаларни келтириб ўтай. Биринчидан, бошқа хизматлар учун қанча қурбонлик қилмоқчи бўлсангиз ҳам, аввал ўз маҳаллий жамоатингизга доимий берадиган ойлик ёки ҳафталик ушр ва қурбонликларни берган бўлишингиз керак. Иккинчидан, чўпон ёки ўзингиз ишонадиган бошқа бир етук имонлидан сиз ёрдам бермоқчи бўлган хизмат ҳақида сўранг, чунки бу хизмат жамоатингиз етакчилари томонидан жамоат бюджетининг бир қисми сифатида баҳоланмайди. Ниҳоят (сўнгида), сизнинг барча шахсий қурбонлигингиз фақатгина масиҳий ташкилотларига берилиши шарт дегани эмас. Аммо шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керакки, дунёвийлар ҳам бошқа муносиб ташкилотларга пул ажратаётган бир пайтда, хушxabар ишига фақатгина масиҳийлар пул ажратишади.

3. Агар қарзим бўлса, қурбонлик қилишим керакми?

Бу саволга қисқа жавобим: вазиятга боғлиқ. Мени сизга бера оладиган энг муҳим маслаҳатим - бу қарорни ёлғиз қабул қилманг; ўзингиз ишонадиган

бирон бир масиҳий биродар билан вазиятингиз ҳақида маслаҳатлашинг (Ҳикматлар 15:22).

Бу ерда ёдда тутилиши керак бўлган бир нечта тамойиллар мавжуд.

- Масиҳийлар ўз қарзларини виждонан қайтаришга мажбурдирлар (Санолар 36:21).
- Қарз ҳар доим қулликнинг бир кўринишидир (Ҳикматлар 22:7). "Яхши" ва "ёмон" қарз деган нарса йўқ. Лекин бу қуллик Масиҳга хизмат қилиш қобилиятимизни қанчалик чеклаши, келишилган тўловларни тўлай олиш ёки ололмаслигимизга боғлиқ.
- Ҳаётдан мақсад - қарздан халос бўлиш эмас балки Исо Масиҳга хизмат қилишдир ва баъзида эса қарз бу мақсадни амалга оширишнинг оқилона йўлидир (оилангизни таъминлаш ва яшаш учун қулай шароити бўлган уй сотиб олишга ёрдам сифатида).

Умуман олганда, агар сизнинг даромадингиз қарзингизни тўлашга бемалол етадиган бўлса, у ҳолда даромадингиздан қурбонлик ҳам ажратишингиз керак. Агар даромадингиз фақат асосий муҳтожликларингиз ва қарзларингизни тўлашга етадиган бўлса, у ҳолда сиз ноқулай аҳволда қоласиз. Аниқроғи, бундай вазиятда жамоатга қурбонлик қилиб, Худонинг қарзларни тўлаш ёки ўз муҳтожликларингиз

ҳақида қайғуриш ҳақидаги аниқ амрларига бўйсунмаётган бўлиб қоласиз. Бу вазиятда қарзингиздан қутулиб олгунингизча, вақтинча жамоатга қурбонлик қилмай туришингиз керак бўлади (1-Фессалоникаликлар 4:12; 1-Тимотий 5:8). Бундай ҳолда, қарзингизнинг оғирлигини енгиллаштириш учун кредиторлар билан ҳамкорлик қилиб (Ҳикматлар 6:3), қўшимча даромад топиб, харажатларингизни қисқартириш ва ҳақиқий "эҳтиёж" қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фиркингизни ўзгартириш орқали бу вазиятдан чиқишингизни маслаҳат берган бўлардим.

4. Қандай қилиб қурбонлик қилиш ва жамғармани бир маромда ушлаб қоламан?

Мен бир воқеа эшитганман. Менга айтишларича, яхши маош оладиган бир жамоат аъзоси жуда кам маблағга яшаган, ҳеч қанча пул тежамаган ва катта миқдорда қурбонлик қилган. Унинг хушxabарга бўлган шижоати менга жуда ёқди! Лекин мен унга, бунақа ҳаёт тарзида яшаш Худога нотўғри суяниш эканлигини айтдим. Худонинг келажакдаги одатий берадиган ризқи Унинг ҳозирги кундаги бераётган ризқидир. Бу ҳақиқатни назарга илмасдан бор будимизни бериб юборсак, унинг одатий берадиган ризқини назарга илмаган бўламиз. Бу эса имон эмас, балки тахминдир. Ер юзида кўп одамлар

Ўз эҳтиёжларидан орттиришолмайди ва Худо уларнинг келажакдаги муҳтожликларини қондиради. Лекин агар Худо сизга асосий эҳтиёжларингизни қондириш, жамоатингизга қурбонлик қилиш ва орттириб қолдиришга етарли миқдорда пул берган бўлса, Муқаддас Китоб унинг бир қисмини тежашингизга ундаган бўлар эди (Ҳикматлар 21:20; 1-Фессалоникаликлар 4:12).

Сизнинг қанча миқдорда пул тежашингиз кўпгина омиларга боғлиқ. Агар келажакдаги эҳтиёжларингиз ҳақида аниқ билмасангиз, даромадингиздан сезиларли ва мос миқдорни танлаб олиб қурбонликка бериб, қолганини тежашингиз мумкин. Ҳаётнинг маълум бир даврида кўп одамлар ўзларининг келажакдаги эҳтиёжларини яхши фаҳмлашади, шундай экан сиз ҳам сарф-харажатларингизга тўғри пул сарфлаб, пул жамғаришни бошланг. Шунинг учун ёдда тутинг, кўп масиҳийлар адашиб, Худога эмас, балки ўз жамғармаларига умид боғлайдилар; қанча тежаш ҳақида қарор қабул қилганингизда, бундай васвасадан бохабар бўлинг (Матто 6:25–34).

5. Сарф-харажат ва қурбонлик қилишни қандай қилиб бир маромда ушлаб қоламан?

Айтайлик, жамоатингизга тўғри келадиган миқдорни бериб, асосий эҳтиёжларингизни қондириш учун етарли пулингиз бор ва сиз

Ўзингизга керак бўлган нарсани тежаяпсиз. Шунга қарамай, Худо сизни янада кўпроқ пул билан таъминлади. Бунинг учун Худога ҳамду санолар бўлсин! Яна қанчасини қурбонликка берасиз? Худо сизга ишониб топширган барча пуллар учун битта мақсад борлигини тушунганингизда, бу саволга тўғри жавоб бера оласиз: яъни Унинг улуғворлигини кўз-кўз қилиш учун (1-Коринфликлар 10:31). Сиз пул ишлатиб, унинг саховатидан баҳраманд бўласиз (1-Тимотий 6:17), ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларни қондириш учун унинг амрларига бўйсунингиз (1-Фессалоникаликлар 4:12), ҳамда қурбонлик қилиб Уни улуғлайсиз. Сиз мана бу саволга жавоб беринг: Сизнинг ҳозирги бюджетингиз Худонинг эзгулиги ва улуғворлигини намойиш қилиш учун захирангизни барча имкониятлар орасида тақсимлашнинг энг яхши усулими ёки йўқми?

6. Қандай қилиб Худони улуғлайдиган тарзда қурбонлик қилишни бошлашим мумкин?

Ажойиб савол! Сизга шундай жавоб бераман:

Биринчидан, кейинги маошдан бошлаб, унинг 10 фоизини жамоатингизга беринг.

Иккинчидан, келгуси бир неча ҳафта ичида, агар сизда харажатлар режаси бўлмаса уни тузиш учун бироз вақт ажратинг (кейинги икки саҳифадаги мисолга қаранг). *Ҳар бир* элемент учун бу пуллар Худонинг мақсадларига эришишда

қандай хизмат қилишини тушунишга ҳаракат қилинг ва бюджетингизни кўздан кечириб, 10 фоиз, қурбонлик қилиш учун тўғри миқдорми ёки йўқми, бу ҳақида ўйлаб кўринг.

Учинчидан, имони кучли масиҳий дўстингиз билан ўтириб хулосаларингизни муҳокама қилинг.

Тўртинчидан, бу ишни йилига бир марта такрорлаб туринг.

Бюджет намунаси

Қандай қилиб ҳар бир нарса Худога шон-шараф келтиришига мисоллар

Даромад	\$	Иш сизнинг эҳтиёжларингизни қондириш ва бошқаларга саховатли бўлиш учун берилган (Эфесликларга 4:28).
Солиқлар	\$	Масихга итоаткор бўлиш учун ҳокимиятга бўйсунш керак (Римликларга 13:7).
Қурбонлик		Эфесликларга 4:28
Маҳаллий Жамоат	\$	Олаётган таълимотимизни қўлаб-қувватлаш учун қурбонлик қилишимиз керак (Галатияликларга 6:6).
Миссионерлик	\$	Миссионерларни “Худо учун уларни йўлга муносиб равишда” қўлаб қувватланг (3-Юҳанно 6-8).

Мурувват хизмати	\$	Биз масиҳий биродарларимизни, кейин эса бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиришимиз керак (Галатияликларга 6:10).
Уй-жой		1-Тимотийга 5:8 да келтириб ўтилганидек, уй-жой оилангизни таъминлашга, ўз эҳтиёжларимизни қондиришга ёрдам беради (1-Фессалоникаликларга 4:12) ва меҳмондўст бўлишимизга шароит яратиб беради (Римликларга 12:13).
Ижара/Кредит	\$	
Мебел ва уй жиҳозлари	\$	
Таъмирлаш	\$	
Тиббий хизмат		
Шифокор / суғурта	\$	Мустаҳкам соғлиқ - бу Худо берган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимизнинг бир қисми (Эфесликларга 5:16).

Спорт зали	\$	Жисмоний тарбия маълум бир аҳамиятга бўлсада, руҳий тарбия кўпроқ аҳамиятга эга (1-Тимотийга 4:8).
Телекоммуникация	\$	Бажараётган амалларингизни Масих учун қилаётганингиз учун замонавий воситалар ушбу амалларингизни янада яхшироқ бажаришингизга кўмаклашади (Колосаликларга 3:23).
Транспорт воситаси	\$	Транспорт воситаси ўзингизнинг ва оила аъзоларингизнинг эҳтиёжларини қондиришга шароит яратиб беради (2-Фессалоникаликлар 3:10).

Дам олиш		
Таътил	\$	Ҳикматлар китоби бизга вақти-вақти билан дам олиб туришимиз кераклигини эслатиб туради (Ҳикматлар 23:4).
Ташқарида овқатланиш	\$	Худонинг бизга берган инъомларидан баҳраманд бўлиб, Унинг эзгулигини шарафлаш учун ресторанда тушлик қилиш имкониятидан фойдаланинг (1-Тимотийга 4:4).
Оммавий ахборот воситалари	\$	Ғуноҳдан ҳоли кўнгилашушликни миннатдорчилик билан қабул қилиш, уни берган Худони улуғлайди (1-Тимотийга 6:17).
Шахсий		
Кийим-кечак	\$	Биз асосий эҳтиёжларимиздан қаноатлансак, Худони улуғлаган бўламиз (1-Тимотийга 6:8).
Озиқ-овқат	\$	Оилангизни ва ўзингизни озиқлантириш орқали ҳар бир масиҳийга берилган асосий амрни амалга оширган бўласиз (1-Тимотийга 5:8).
Уй анжомлари	\$	Уй тутиш меҳмондўст бўлишингизга имкон беради (Римликларга 12:13).
Сахийлик		
Ҳадялар	\$	Биринчи Тимотийга 6:18 бизни саховатли ҳаёт кечиришга чақиради.

Ўзгача сахийлик	\$	Сахийлик қилиш учун берилган баъзи имкониятлар қутилмаганда содир бўлади (Луқо 6:30–31).
Жамғарма	\$	Бугунги кундаги фаолиятимиз Худонинг келажакдаги таъминотининг оддий воситаси ҳисобланади (2-Фессалоникаликларга 3:6-12).
Ажратилмаган	\$	Қаерга ишлатилиши аниқланмаган пуллар бизни бойлик тўплашга ундайди (Ёқуб 5:1–3).

Изоҳлар

1. “Қурбонлик қилиш АҚШ 2015 Матбуот хабари,” Қурбонлик қилиш институти, 2015, 2020-йил 6-августда кирган, <https://www.givinginstitute.org/page/GUSA2015Release> – [инглиз тили – “Giving USA 2015 Press Release,” The Giving Institute, 2015].
2. “2018-йил учун хайрия статистикасининг якуний рўйхати”, НП манбаси, 2020-йил 6-августда кирган, <https://nonprofitssource.com/online-giving-statistics/> - [инглиз тили – “The Ultimate List of Charitable Giving Statistics for 2018”, NP source].
3. Павлуснинг 2-Коринфликларга 8–9- оятлардаги қурбонлик қилиш ҳақидаги узун параграфни муҳокама қилинг. Унинг сўровига сабаб бўлган эҳтиёжни зўрға тилга олиб ўтади. У Коринфликлар қурбонлик қилишга мажбур эмас эканликларига алоҳида урғу бериб ўтади (8:8).
4. Кейинчалик, Худога ишонганимиз учун, ўзимизни хоҳламаган бўлсак-да, қандай қилиб қурбонлик қилиш Худони улуғлайдиган қувончли ва имкониятга асосланган инъом бўлиши мумкинлиги ҳақида суҳбатлашамиз.

5. Бу ҳақда кўпроқ маълумот олиш учун сиз Кости Хиннинг *Худо, очкўзлик ва (фаровонлик) Хушхабар* китобини ўқишингиз мумкин (Гранд Рапидс, МИ: Зондерван, 2019). Кости Хин - таниқли “шифокорлик инъоми” га эга Бенни Хиннинг жияни ва “фаровонлик хушхабар” деб номланувчи диний эътиқоднинг собиқ тарафдорларидан бири.
6. Жон Пайпернинг *Худого Чанқоқлик: Масихийча гедонистининг медитациялари*, қайта нашр қилинган (Колорадо Спрингс, Колорадо: Мултнома Китоблар, 2011), [инглиз тили – John Piper, *Desiring God: Meditations of a Christian Hedonist*, rev. ed. (Colorado Springs, CO: Multnomah Books, 2011)], 94.

Муқаддас Китобга Иқтибослар

<p><i>Чиқиш</i></p> <p>3627</p> <p><i>Санолар</i></p> <p>36:2149</p> <p>49:1216</p> <p><i>Ҳикматлар</i></p> <p>6:350</p> <p>15:2249</p> <p>21:2051</p> <p>22:749</p> <p>23:457</p> <p>23:4-520</p> <p><i>Малахи</i></p> <p>3:843</p> <p>3:1042</p> <p><i>Матто</i></p> <p>621-22, 25</p> <p>6:343</p> <p>6:2025</p> <p>6:20-2120-21</p> <p>6:2138</p> <p>6:25-3451</p> <p>16:1836</p> <p>25:2628</p> <p><i>Марк</i></p> <p>1227</p> <p><i>Луқо</i></p> <p>6:30-3158</p> <p>7:4745</p>	<p><i>Юҳанно</i></p> <p>2:20-2142</p> <p><i>Ҳаворийлар</i></p> <p>20:2836-37</p> <p><i>Римликлар</i></p> <p>5:8-1029</p> <p>8:2830</p> <p>12:1355, 57</p> <p>13:741, 54</p> <p><i>1-Коринфликлар</i></p> <p>9:1434, 47</p> <p>10:3152</p> <p>13:315</p> <p>15:1921</p> <p>16:240, 42, 47</p> <p><i>2-Коринфликлар</i></p> <p>827</p> <p>8:745</p> <p>8:859</p> <p>8:8-944</p> <p>8-959</p> <p>9:715, 16, 41, 44</p> <p>9:7-811</p> <p>9:11-1243</p> <p><i>Галатияликлар</i></p> <p>6:634, 41, 47, 54</p> <p><i>Эфесликлар</i></p> <p>2:529</p> <p>3:1036</p> <p>4:2854</p> <p>5:1655</p>
---	--

<i>Филиппиликлар</i>	<i>Ибронийлар</i>
4:11, 1324	11:6.....31
4:17.....24	13:1737
<i>Колосаликлар</i>	<i>Ёқуб</i>
3:23.....56	5:1-3.....58
<i>1-Фессалоникаликлар</i>	<i>3-Юҳанно</i>
4:12.....50, 51, 52, 55	6-8.....54
<i>2-Фессалоникаликлар</i>	<i>Ваҳий</i>
3:6-1258	15:4.....29, 31
3:10.....56	
<i>1-Тимотий</i>	
4:457	
4:856	
5:841, 50, 55, 57	
5:17.....47	
5:17-18.....35	
6:857	
6:17.....52, 57	
6:18.....27, 57	



9 Белгилар

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР ҚУРИШ

Сизнинг Жамоатингиз Соғломми?

9Маркс (9Белгилар) хизмати Худонинг улуғворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиш учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Эхпосицион ваъз
2. Хушхабар таълимоти (доктринаси)
3. Юқоридан туғилиш ва хушхабарчиликка доир Каломий тушунча
4. Каломга мос жамоат аъзолиги
5. Каломга мос жамоатдаги тартиб-интизом
6. Шогирдлик ва ўсиш борасида Каломий қараш
7. Каломга мос жамоат етакчилиги
8. Ибодат амалиётига доир Каломий тушунча
9. Элчилик хизматига доир Каломий тушунча

9Маркс (9Белгилар)да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улуғворлигини намоён этишлари учун уларни қуроллантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

40дан ортиқ тиллардаги контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/about/international-efforts/>

uz.9marks.org

Статистик маълумотларга кўра, агар Америка Қўшма Штатларида хайрия қилиш ҳар қачонгидан ҳам оммалашган бўлса, сўнги бир неча ўн йиллик ичида жамоатга бериладиган қурбонликлар сезиларли даражада камайган. Бироқ, Муқаддас Китоб, айниқса, маҳаллий жамоат манфаати учун имонлилар қурбонлик бериш муҳим эканлигини таъкидлайди. Ушбу китобчада берилган маълумотлар орқали Жейми Дунлоп, “Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?” деган саволга жавоб беради. Шу билан бирга қурбонлик бериш маҳаллий жамоатга қандай руҳий фойда келтиришини, Худонинг иродасини бажаришини ҳамда Уни улуғлаши очиб беради.

Жамоатга доир Саволлар тўплами жамоат ҳаётига доир кўп учрайдиган саволларга жавоб бериш орқали ўртамиёна масиҳийларни соғлом ва ҳамма учун очиқ бўлган каломий таълимот билан таъминлашга интилади. Ҳар бир қисм соғлом жамоат амалиётини ва унга бағишланишни ривожлантириш мақсадида каломий жавоблар ва амалий хулосалар тақдим этади.

Жейми Дунлоп 2009 йилдан бери “Капитолий Тепалиги” деб номланган баптист жамоатида чўпон бўлиб ишлайди. Ундан олдин у йирик консалтинг компаниясининг бир бизнес тармоғини бошқарган. У (Марк Девер билан бирга) “Ёқимли Жамоа” китобининг ҳаммуаллифи ҳамдир.